

БУГУННИНГ ГАПИ

# 30 КИШИЛИК ТҮЙ

## Ёхуд «ҳотамтойлик», дабдабозликка не ҳожат?!

### Саодатманд дамлар

Тўю тантана – орзу-ҳаваслар ушаладиган саодатманд дамлар. Барча ёшларга бахт тилайди. Икки ёш бир-галлашиб, оила аталмиш ажиб сарой қуриш арафасида. Бу саройнинг пойдевори мустаҳкам, турмушнинг зилзилаю селларига бардош берадиган пишиқ бўлиши керак. Саройнинг пойдевори – ибодат, ҳаё, гишталари – сабр ва матонат, девори имон, томи – ақлу фаросат, безаклари – меҳр, эзгуликдан яралмоғи лозим. Бир-бирига талпинган икки кўнги оила деб аталган муқаддас даргоҳқа қадам қўярсанлар, қалбларидаги бир-бирига ишонч, қатъият қаршида тиз чўкиб, ҳам шаръий, ҳам расмий никоҳланадилар.

Неъматларнинг энг сарасини тўй дастурхонига қўямиз, энг чиройли либосларимизни шу куни киямиз. Жонлик сўйилиб, дошқозонларда ширин таомлар пиширилади, шу қутлуғ кунга атаб янги уй жиҳозлари сотиб олинади, уйларимизга янги гиламлар тўшаллади. Хуллас, тўй куни жамики эзгу орзу-ҳавасларимиз тантана қилади.

### Тўй тўйдек бўлсин...

«Маҳаллада дув-дув гап» фильмини севмайдиган, мириқиб томоша қилмайдиган одам топилмас керак. Унда ўз ролини маромига етказиб ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Марям Ёқубованинг «... Ҳа, ўнта қўй нима бўлади? Тўй тўйдек бўлсин, маҳаллада дув-дув гап бўлсин, дейман!» деган сўзларини эшитиб кулиб қўямиз.

Этибор билан кузатаётган бўлсангиз, тўйлар, маъракаларга йилма-йил, даврма-даврд турфа «янгиликлар» қўшиляпти. Бу билан аънаналарни бойтаётгандекмиз, гўё. Бироқ ўзимизга ўзимиз муаммоларни янада кўпайтирмаймизмикин?...

Маросимлардаги исрофгарчиликларнинг олдини олиш, «ҳотамтойлик»ка барҳам бериш, тантаналарни ортиқча харажатларсиз, ихчам, чиройли ўтказиш масаласи ҳатто давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Бироқ айрим шахсларнинг ўзлари халқнинг кўз ўнгида дабдабали тўй қилаётганлиги боис оддий одамлар ҳам уларга эргшиб, дўпписи тор келишига қарамасдан, тиришиб-тирмашиб, дабдабали тўй қилиш орзусига тушиб қолмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда «Жадид боболаримиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай қуниб ўтганларини яхши биламиз», деб алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, маърифатпарвар Абдулла Авлоний «Ўзбек халқини тўй балосидан қутқаринг!» деб даъват қилган бўлса, Беҳбудий бобомиз 100 йил олдин «Бизни кемиривчи иллатлар» сарлавҳали мақоласида тўй ва маъракаларни назарда тутиб, «Биз на учун худо ва расул сўзига ва ўзимизни наъфимизга амал қилмаймиз. Биз нима девонами?» дея киноя қилган эди.

### «Гулянка»дан қон босимига...

Тўйларимиздаги яна бир кўнгилини хира қиладиган одат – ёшларимиз тилида «Гулянка», яъни «тўй сайри» маросимидир. Бу маросим ҳаётимизга қандай кириб келган?

Ёши улуғларимиз яхши билишади, бундай маросим аввал ҳам бўлган, бироқ ҳозиргидан мутлақо бошқача, миллий қадриятларимизга мос равишда бўлган. Яъни, илгари келин аравада, кейинчалик машинада янгалири ва дугоналари қуршовида узатиб борилган. Йўл-йўлакай бахт ва муҳаббатни, гўзал ҳаётни мадҳ этувчи қўшиқ ва лапарлар куйланган.

Ўтган йили пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида яшайдиган танишимизнинг бетоб бўлганлиги сабабли уни йўқлаб, ҳол-аҳвол сўраш мақсадида хонадонига бордик. Қўшниларидан бирида тўй бўлаётган экан. Кўп қаватли уйларга кирувчи йўлак шарлар жамламасидан чиройли безатилган бўлиб, шойи ипак тўртинчи қаватга чўзилган. Бир зумда 15 тача қора рангдаги ҳашамдор «Range Rover» жип русумидаги автомобиллар қатор тизилиб, йўлни тўсиб қўйди. Биз нақ 35 дақиқа атоуловлар «кортежи»нинг чиқиб кетишини пойладик. Катта йўлда икки қатор бўлган «Тўй қарвони» йўловчи автомобилларга ҳам йўл бермайди. Уни ҳам майли, ўша «Тўй қарвони»нинг қулоқни қоматга келтиргувчи сигналларидан ҳалиги танишимизнинг қон босими янада кўтарилса бўладими? Ана сизга томоша, мана сизга тўй-ҳашам!

### Ҳуқуқий асос

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг ўтказилган қўшма мажлисида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалалари парламент аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур тадбирларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар вақти, иштирокчилар сони белгиланди. Оилавий тадбирларнинг дабдабасиз, камхарж ва ихчам, шунингдек, Низом талабларига мувофиқ ўтказилиши учун, биринчи навбатда, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва ички ишлар органлари профилактика инспекторлари шахсан масъул этиб белгиланди.

Эндиликда, тўй маросимларида миллий аънаналаримизга зид бўлган, ортиқча дабдабозлик, турли тўйолди тадбирлари, яъни «танишув», «сеп ёйди», «қуда таниш», «қуда чақирди», «тоғора юбориш», «чаллари», «куёв чақирди», «куёв навқари», «келин навқари» ва бошқа маросимларга, шунингдек, «пул сочиш», фарб маданиятига хос бўлган одобсиз шоулар, «севги тарихи» («Love store») каби маънавийтимизга тўғри келмайдиган ҳолатларга йўл қўйилмайди.



Давлатимиз томонидан тўй ва маросимлардаги дабдабозлик, кимўзарлик, бойлигини кўз-кўз қилиш, қудалар ўртасидаги турли расм-русумларга чек қўйиш орқали салбий ҳолатлар олди олинади ҳамда буларнинг оилавий ажримлар камайишига хизмат қилиши шубҳасиз.

### Кимга тўй, кимга аза?

Тўй қилиш бугун хурсандчилик қилиш, кўпчиликка ош бериш билан эл олдидаги ўз фарзини бажаришдек туюлади. Бироқ иқтисоди танг, камхарж оилалар учун бу ҳақиқий фожиадан бошқа нарса эмас.

Яна бир воқеа, водийлик бир дўстимизнинг акаси тўй қилиш, халққа ош бериш мақсадида Россия Федерациясига ишга кетган экан. Орадан кўп ўтмай, унинг ўзга юртларда бетоб бўлиб, охири вафот этганлиги маълум бўлган.

Ҳамқишлоқларининг айтишича, тўйга катта миқдорда қарзга пул олган ва уни қайтариш учун хорижда пул ишлайман, деб, оч-наҳор қийналиб, зўрға пул топиб, қайтиш арафасида касал бўлиб оламдан ўтади. Шу ўринда, «Пешонасида бор экан, тақдири азал», дейишингиз мумкин. Биргина тўй машмашаси, деб, қарзга ботиб, ўзга юртлардан тобути келса, жуда қайғули. Чунки бир қуёшдан баҳра олган, бир мамлакатда яшаган, тақдир сўқмоқларидан адашган юртдошимизга юрак-юракдан ачинади киши.

Бугун юқоридаги салбий ҳолатларни, тўйлардаги исрофгарчилик, дабдабозликка бир-икки кишини айблаш адолатдан эмас, албатта. Бутун жамоатчилик, маҳалладаги фаоллар, имом-хатиблардан тортиб, ушбу йўналишда масъул барча мутасадди ташкилотлар бир қатор амалий ишлар олиб бормоқда.

### «Пулдорлар» ҳам кўнишяпти

Дунёдаги 60 миллионга яқин одам коронавирус пандемияси туфайли ўта камбағаллашади. Бу ҳақда Жаҳон банкининг раҳбари Дэвид Малпасс маълум қилди. Жаҳон банкининг таърифида кўра, кунлик даромади 1,9 доллар ва ундан паст бўлган одамлар «ўта камбағал» ҳисобланади.

Мамлакатимизда янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги этиб қайта ташкил этилди.

Президентимиз ўз чиқишларида «Камбағалликни камайитириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас.

Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак», деб алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, пандемия кўпчиликини меҳр-оқибатли бўлишга, саховат кўрсатишга, вақтни, инсонларни қадрлашга ўргатди ва ўргатмоқда. Республика махсус комиссияси «Яшил» ҳудудларда 30 кишилик тўйлар ўтказишга руҳсат берди. Ижтимоий тармоқларда 30 кишилик тўй ўтказиётган юртдошларимиз бу қанчалик қулай ва чўнтакка ҳам оғирлик қилмаётганини қувонч билан айтишмоқда.

Оёғи ердан узилган пулдорлар, «Пул ўзимники, уни хоҳлаганча сарф этман», дейдиганлар ҳам бирин-кетин вазият тақозосига кўра, аста-секин кўникишяпти.

### «Уч сўм пул, бир каллақанд, битта мулла, вассалом»

Севимли фильмларимиздан бири «Аршин мололон»даги бир эпизодни эслайсизми? Уйланиш учун «Уч сўм пул, бир каллақанд, битта мулла, вассалом» дейилади. Балки, бу сўзлар бугунги тўйларимиз, уйларимиз учун айтилгандир...

Яқинда қариндошимиз ўғлини уйлантириш мақсадида 4–5 эркак билан бориб келиннинг уйида фотиҳа қилиб келишди. Энг ажабланарлиси, шу куни келиннинг отаси уйда жами йиғилган 20 нафар эркакка ош тадбирини ҳам ўтказибди. Тўй куни белгиланиб, ҳовлида 30 кишилик жой қилинадиган бўлибди. Бундай ихчам тўй ким ўзарлар, фалон пулга келадиган «таниқли» санъаткорларга, дабдабали қимматбаҳо машиналар ва мебелларга кучи етмайдиган баъзи ҳамюртларимизнинг жонига оро кириши шак-шубҳасиз. Дарвоқе, кейин билсак, тўй эгалари иқтисод қилинган пулга икки ёш учун ипотека кредитининг дастлабки бадал суммасини тўлашибди. Мана сизга ихчам тўйнинг афзалликлари.

Ихчам тўйлар афзалликлари ҳақида гапирарканмиз, аввало, хонадон соҳиб ва соҳибалари ўзларини ортиқча ўққа-чўққа уришмайди. Бир сўз билан айтганда, тўйдан кейин бошини қашиб, қийналишмайди. Тўйга кетадиган, дабдабозликка сарфланадиган харажат икки ёшнинг кам-қўстини тўлдиришга бемалол етади. Энг муҳими, шу орқали камбағалликни қисқартиришга имкон яралади.

Шундай экан, «ҳотамтойлик», дабдабозликка не ҳожат?! Биз фикр бердик, мулоҳаза қилиш Сиздан...

**Бернора САДИКОВА,**  
полковник.  
**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**  
майор.